

УЎТ: 338.436.33(575.1)

**РЕСПУБЛИКАДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ РАЎБАТЛАНТИРИШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Шафқаров Фахриддин Худайбердиевич**

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институти” Миллий тадқиқот университети

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: [faxriddinshafkarov@gmail.com](mailto:faxriddinshafkarov@gmail.com)

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада сувни тежайдиган технологияларни мамлакат қишлоқ хўжалигига жорий этишни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди ва рағбатлантириш муаммолари аниқланди.

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантирадиган қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва сув хўжалиги вазирлиги, шунингдек, ушбу жараёнга жалб қилинган сув истеъмолчилари тадқиқот объектини ташкил этади. Илмий изланишда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш муаммосини ҳал қилишнинг асосий ва ягона йўналиши замонавий тадқиқотларга асосланган илмий ечимни олиш ва амалга ошириш, шунингдек аграр маҳсулотларини тадқиқ қилиш асосида сувни тежайдиган янги технологияларни яратишдир. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий хулосалар, илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан фойдаланиш уларнинг илмий изланишларини сифати ва илмий-амалий аҳамиятини оширишга имкон беради.

**Калит сўзлар:** сув хўжалиги, сувни тежайдиган технологиялар, илмий-тадқиқот ишлари, инновацион ривожланиш, рағбатлантириш, механизм, такомиллаштириш.

**КИРИШ**

Маълумки, бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади мамлакат аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитларини яхшилашдан иборат. Бу мақсадга эришишнинг асосий йўлларида бири қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва уни рағбатлантириш

механизмини такомиллаштириш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали сув хўжалигини модернизация қилишга эришиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифалардан биридир.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, минтақада кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-144-сонли қарорида таъкидлаганидек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари замон талабларига мослаб борилаётганлиги сабабли сувни тежайдиган технологиялар 2021 йилнинг ўзида 433 минг гектар майдонда жорий этилди ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларнинг 17 фоизини ташкил қилди. 2022 йилда 478 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш орқали сувдан фойдаланиш самарадорлиги оширилади [1].

Давлатимиз раҳбари кўрсатмаларига мувофиқ мамлакатда сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Сувни тежайдиган суғориш технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш йўналишида қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотларида 175 минг гектардан 2025 йилгача 1 миллион гектарга, 2030 йилга келиб 2 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияси 77,4 мингдан 2025 йилгача 300 минг гектаргача ва 2030 йилга келиб 600 минг гектаргача етказилиши келтирилган.

Бугунги кунда сувни тежайдиган қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларни қўллаб-қувватлаш, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқарувчилар учун қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни кенгайтириш, ўз ҳудудларида сувни тежайдиган суғориш тизимлари ва уларнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак.

Илмий-тадқиқот ишлари соҳасида илмий-мувофиқлаштириш тизимининг йўқлиги, шунингдек илмий-инновацион фаолиятнинг етарли даражада молиялаштирилмаслиги, бу каби ихтисослаштирилган муассасаларнинг тарқоқлиги ва етарли эмаслиги сув хўжалиги соҳасида мақсадли тадқиқотлар

натижаларини самарали жорий этиш ва инновацион фаолият юритишга имкон бермайди. Илмий тадқиқотларнинг ГИС технологиялари, муҳандислик ечимлари ва сув хўжалиги объектларини конструкциялаш, самарали материаллар ва сувни тежовчи суғориш тизимлари, фильтрацияга қарши тупроқ қопламалари, иқлим ўзгаришларига боғлиқ равишда сув истеъмоли алгоритмларини ишлаб чиқиш, сувнинг ҳисобини юритиш, сув хўжалиги секторидаги йирик ривожланиш лойиҳаларини илмий жиҳатдан амалга ошириш ва бошқа муҳим соҳалар етарлича оммалашмаган ва жорий қилинмаган. Бугунги кунда мамлакат “Олий таълим-фан-ишлаб чиқариш” тизимида интеграция даражаси етарли эмас. Аксарият таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базалари маънан ва жисмонан янгиланиш ва модернизация қилишига муҳтож. Таълимнинг инновацион ва интерактив воситаларидан етарли даражада фойдаланилмайди. Профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий ва касбий салоҳиятини доимий ошириб бориш механизмларини жорий этиш зарурияти сақланиб қолмоқда.

Республикада аҳолини кўпайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, илмий тадқиқот йўналишлари ва унинг ечимларини назарий жиҳатдан асослаш ҳамда илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулотларни етиштириш учун сув ресурсларининг ўрни беқиёс бўлиб улардан тежамли фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг асосий муаммоси ҳисобланади.

Сув хўжалиги тармоқида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асослари иқтисодчи олимлар илмий изланишларида чуқур тадқиқ қилинган.

А.В.Цветков таъкидлаганидек, “Рағбатлантириш роли умумий шаклда бошқарув тизимидаги қайта алоқа деворининг ёпилиши сифатида шакллантириш мумкин, бу лойиҳа иштирокчиларини лойиҳа натижаларига эришиш учун келишилган кўшма тадбирларни амалга оширишга ундаш имконини беради. Бунинг учун, рағбатлантириш унга тайинланган вазифани бажариш, рағбатлантирувчи таъсирларни синтез қилиш бўйича қарор қабул қилиш қоидалари ва тартибларини ишлаб чиқиш зарур, бу рағбатлантириш механизмлари ҳисобланади” [2].

Ч.П. Хужагелдиев таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини оширишни рағбатлантириш учун маъмурий бошқарув ва бозор механизмларидан оқилона нисбатларда фойдаланиш [3].

Профессор Т.Х. Фарманов фикрича, “Қишлоқ хўжалиги тармоқларида сувни тежайдиган технологияларни кенг миқёсда жорий этиш асосий ўрин

тутади. Бироқ, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш янги молиялаштириш механизмидан фойдаланишни талаб қилади” [4].

Аммо, Республика сув хўжалигида бозор муносабатларининг жорий қилиниши қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар етарлича тадқиқ этилмаган.

Мамлакатда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни тартибга солиш, сув хўжалиги тизимида илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишни рағбатлантиришга асосланган бўлиб унда илмий натижалар сув таъминотининг иқтисодий ривожлантиришни асосий манбаси ҳисобланади.

### **МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ**

Мамлакатни иқтисодий ривожланишида сув хўжалиги тармоғи етакчи бўғин ҳисобланади. Сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни рағбатлантириш механизмини кенгайтириш асосида унинг амалий натижалари стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Сув хўжалигида илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришга устуворлик берилиши бевосита тадқиқот натижаларини жорий этувчиларнинг молиявий ҳолатининг нобарқарорлиги сабабли молиялаштириш тизимини ҳар томонлама кенгайтириш ва такомиллаштиришни талаб қилади.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоқларида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни кўллаб-қувватланаётгани, рағбатлантирилаётгани ва кўплаб қулай омилларга қарамасдан, сув хўжалиги корхоналарининг умумий ҳолатини пастлиги сабабли сув тежовчи технологияларни рағбатлантиришга тўсқинлик қиладиган кўплаб муаммолар мавжуд.

Ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш механизмини лойиҳалаш ташкилот ходимларини бошқаришдаги энг долзарб муаммолардан биридир [5].

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни рағбатлантириш муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги илмий изланишларга асосланади.

Ю.Д. Шмидт, А.В. Купера илмий ишларида олий таълим муассасаси ходимлари учун бюджетдан ташқари рағбатлантирувчи қўшимча тўлов миқдорларини ҳисоблаш усули шартнома асосида ўқиётган талабалар сонини, юклама миқдорини ва ҳар бир ходимнинг муассаса фаолияти натижаларига қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади [6].

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни рағбатлантириш муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги илмий изланишларга асосланади.

Давлат томонидан катта қўллаб-қувватланишига ва кўплаб қулай омилларга қарамай, Республикада сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни рағбатлантиришга тўсқинлик қиладиган кўплаб муаммолар мавжуд, уларга қуйидагилар киради:

- олимлар ва илмий ходимлар сувни тежайдиган технологиялар яратишда илмий натижаларга қараб рағбатлантириш;
- сув ресурсларини мавжуд салоҳиятидан фойдаланиб сув тежовчи технологиялар муаллифларни рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар сувни тежайдиган технологияларни қўллаганли учун рағбатлантириш;
- сувни тежайдиган технологияларни бозорларга тўғридан-тўғри киришида ишчи ва ходимларни рағбатлантириш;
- қишлоқ ва сув хўжалиги иш ҳақининг пастлиги ва рағбатлантирилмаганлиги туфайли малакали кадрларнинг чиқиб кетиши.

Сув хўжалиги соҳани ривожлантириш самарадорлиги илмий муассаса ходимларининг сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этиш бўйича меҳнатини рағбатлантиришнинг малакали ишлаб чиқилган механизмга боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси республиканинг муваффақиятли иқтисодий ривожланишида етакчи бўғин ҳисобланади. Сўнгги йилларда мавжуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатлари ва молиявий кўрсаткичларнинг биров яхшиланиши уларнинг сезиларли даражада ривожланишига имкон яратмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни рағбатлантириш муаммолари билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш ўртасидаги интеграция алоқаларнинг паст даражада ривожланиши табиий равишда аграр соҳанинг паст самарадорлигига олиб келади ҳамда бу, ўз навбатида, қишлоқ инфратузилмасининг ривожланиши ва жойлашишига, шунингдек, қишлоқ аҳолисини таълим даражасига, ишчиларнинг иш ҳақиға, ходимларнинг етишмаслигига, қишлоқнинг ривожланиш даражасига таъсир қилади.

М.М. Мухаммедов таъкидлашича, таълим соҳаси ходимларини моддий рағбатлантиришнинг самарали усуллари ва йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга изчил жорий этиш [7].

Қишлоқ хўжалиги соҳаси республиканинг муваффақиятли иқтисодий ривожланишида етакчи бўғин ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилган муаммолар ва кўплаб қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги улардан сувни тежайдиган ва муҳим туртки берадиган инновацион лойиҳаларни рағбатлантирадиган юқори технологияли соҳани ривожлантиришни талаб қилади.

Х.Ф. Тўхтаева, меҳнатни моддий рағбатлантириши тизими амалиётда кўзланган самара келтириши учун уни бирданига бутун ташкилот миқёсида жорий қилмасдан аввал унинг таркибий тузилмаларида муайян муддат синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу тажриба муваффақиятига ишонч ҳосил қилингандан кейингина ташкилот миқёсида қўллаш лозим [8].

Мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги тармоқларининг кўплаб корхоналарида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва рағбатлантириш механизмини такомиллаштириши керак.

### **Ечиш усули (услублари)**

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг турли усуллари мавжуд, улардан фаол фойдаланиш корхонанинг меҳнат самарадорлигини оширади. Муаллиф нуқтаи назаридан бозор шароитларига асосланиб, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш усуллари таклиф этилмоқда. Рағбатлантириш усули муносабатларни маълум кетма-кетликда амалга ошириладиган ҳисоблаш усулларида биридир. Рағбатлантириш усули қуйидаги учта босқичларни ўз ичига олади:

Биринчи босқич, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳолатининг таъсирини таҳлил қилиш, сув ресурсларидан фойдаланиш ва сув хўжалигини бошқариш, корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришнинг мавжуд ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини таҳлил қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятини юқори технологияли маҳсулотлар ва сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга йўналтиришга имкон беради.

Иккинчи босқич, сувни тежаш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосий рағбатлантириш мезонларини танлаш, сувни тежайдиган энг янги технологияларни жорий этиш, корхоналарни рағбатлантирадиган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш тартибини белгилаш, муаммони ҳал қилиш сифатида рағбатлантириш, тадқиқотчини йўналиши ва манфаатларини ҳақиқий тузилишига, мавжуд меҳнат салоҳиятини тўлиқ амалга оширишга қаратилиши, сувни тежаш мақсадига эришишда рағбатлантириш муаммоларининг чекловчи қийматлари аниқланади. Энг самарали бирлик қиймати рағбатлантиришдир.

Учинчи босқич эса, соҳани барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллик даражасини ошириш учун сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш, айланма маблағларни барқарор сақлаш шароитида янги кредит линияларини очиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва тарғиб қилиш усуллари уларнинг шаклларини мослашиш нуктаи назаридан кўриб чиқади, фан ва ишлаб чиқариш тизимининг ривожланиш динамикаси шунингдек, бирлашиш жараёни билан боғлиқдир.

Н.Н. Яшалова таъкидлашича, корхоналар томонидан экологик ва ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш зарурати асосланди. Хўжалик юритувчи субъектларни янги технологияларни жорий этишга рағбатлантирувчи асосий йўналишлар ишлаб чиқилди ва тавсифланди [9].

С.М. Вострикова фикрича, корхонани мавжуд энг яхши технологияларни жорий этишга рағбатлантириш усуллари, корхоналарни мавжуд бўлган энг яхши технологияларни жорий этишни тайёрлашга қаратилган қонунчиликдаги ўзгаришлар [10].

Қишлоқ ва сув хўжалиги илмий муассасаси олимлар ва илмий ходимларни рағбатлантириш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини яхшилаш ва кўпайтиришга, унинг сифатини оширишга ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга қаратилган илмий ишланмаларни тарғиб қилишни таъминлайди.

Сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш соҳадаги энг асосий вазифалардан биридир [11].



**1-расм. Республика иқтисодиёти соҳаларида сувдан фойдаланиш сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари**

Республика иқтисодиётининг барча тармоқларида сув ресурсларини самарали натижасида сувдан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичлари сув хўжалиги ҳисоботида 2018 йил бўйича жами 51 млрд. м<sup>3</sup> тенг бўлмоқда. Шу

жумладан; қишлоқ хўжалиги 90 фоизни, коммунал хўжалиги 4,2 фоизни, энергетика 2,5 фоизни, саноат 1,3 фоизни, балиқчилик 1,2 фоизни, бошқалар 1,0 фоизни ташкил этади (1-расм).

Бозор муносабатларининг чуқурлашиши шароитида фермер хўжаликларини рағбатлантириш, уларга тегишли бўлган ер участкаларидан оқилона фойдаланишга мажбур қилади [12].

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш усули қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ишлаш кўрсаткичларини ошириш учун зарурдир, бу эса ўз навбатида корхонани ҳар бир ходимининг самарадорлигини, шунингдек меҳнат сифатини ошириш орқали эришиш мумкин.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун ҳар қандай рағбатлантириш усуллари, албатта, мақсадга мувофиқ бўлиши керак, чунки, ишлаб чиқаришда билан банд бўлган ишчилар ва ходимлар учун рағбатлантириш адолатли равишда тўланишини билган тақдирдагина, бажарилган ишнинг самарадорлиги аниқланади ва сифати яхшиланишини билиш билан белгиланади.

## **НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МИСОЛЛАР**

Мамлакатда сувни тежайдиган технологиялар жорий этишни рағбатлантириш муаммоларни ҳал қилиш усули қуйидаги натижаларга асосланади:

- олимлар ва илмий ходимлар ва ишчиларнинг сув хўжалиги корхоналарида юқори сифатли хизматларни ҳамда илмий муассасалар тадқиқот натижаларини тақдим этишга ундаш учун мамлакат меҳнат кодексига ҳақ тўлаш бўйича ўзгартиришлар киришни ҳисобга олган ҳолда рағбатлантиришни иш ҳаққи даражасида кўрсатиши лозим. Шунинг учун ҳам, замонавий иқтисодий шарт-шароитларга максимал даражада мосланган тубдан янги ҳақ тўлаш тизимига ўтишни талаб қилди. Бу рағбатлантириш бўлиб, унинг миқдори ходим ва ишчиларнинг иш фаолиятини баҳолашга боғлиқ ва индивидуал асосда жорий этилади;

- сув хўжалигини ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, сув хўжалигида илмий ва инновацион салоҳиятни ривожлантириш, илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни жорий қилиш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион ечимлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Сув тежовчи

технологиялардан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш тизимини янада ривожлантириш ҳамда уларни муаллифларни рағбатлантириш;

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун, пахта хом ашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясининг жорий этгани учун, янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларидида сув тежовчи технологияларни қўллаганли учун рағбатлантириш. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи суғориш технологияларидан самарали фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги юқори даражали кўрсаткичларига эришиш. Қишлоқ хўжалигида замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этиш асосида унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари. Қишлоқ хўжалигида рақобатбардош, сифатли ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида сув тежовчи технологияларни қўллашнинг асосий йўналишлари рағбатлантириш;

- боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликларидида замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий ресурс тежамкор технологияларни, шу жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш, шунингдек, бозор конъюнктураси таҳлилинини ҳисобга олган ҳолда мева маҳсулотлари турларини кўпайтириш, бозорларга тўғридан-тўғри кириб боришини таъминлаш, шунинг билан бирга ишчи ва ходимларни рағбатлантириш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган қатор тадбирлар маълум даражада ижобий натижалар келтирса-да, лекин соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий изланишлари билан боғлиқ малакасини ошириш етарли даражада таъминлай олмаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалигини молиялаштириш даражасининг пасайиши, ишчиларнинг ойлик маошларининг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан пастлигидир. Мамлакат аграр соҳасини мутахассислар билан таъминлашда олий ўқув юртларининг ўрни алоҳида бўлиб, уларда олиб борилаётган таълим жараёнида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, инновацион ғояни доимий равишда жорий этадиган жойлардаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига малакали кадрларни жалб этиш лозим. Иқтисодий ислохотлар шароитида аграр соҳа мутахассисларини тайёрлашда кўп йўналишли ва қиррали тизимни жорий этиш самарали усуллардан бири ҳисобланади. Аграр соҳа мутахассисларини

рағбатлантириш қуйидагича: қишлоқ ва сув хўжалиги маҳсулотларини харид қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий масалаларини ҳал этиш учун ходимларнинг ўртача сонига мутаносиб равишда рағбатлантириш; малакали мутахассислар, шунингдек, узоқ йиллар меҳнат қилган ишчи ва деҳқонларни коммунал тўловларни амалга ошириш учун фермер ва деҳқон хўжалиги ҳисобидан рағбатлантириш; бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацияларни жорий этишда, маслаҳат хизмати ва ахборот таъминоти бўйича мутахассисларни рағбатлантириш; аграр соҳа субъектларининг хусусий маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигининг аниқ йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашни рағбатлантириш; турли ҳомийлар, жамғармалар, ташкилотлар ва банк кредитлари ҳисобидан ўсимликшунослик ва чорвачилик соҳасидаги мутахассисларни рағбатлантириш.

Рағбатлантириш тизими арзон ишчи кучининг рентабеллиги тўғрисида ишлаб чиқаришга асосланганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, иш ҳақини минималлаштириш орқали миллий иқтисодиётни саноатлаштиришга инвестициялар киритилди [13].

Сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этиш учун устама ҳақ тўланиши, муаллифлар ҳамда илмий тадқиқот институтларни рағбатлантиришга йўналтирилиши мамлакат қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни барқарор ривожланишига имконият яратади.

Ўзани томчилатиб суғориш усулидаги илмий асосланган суғориш тартибини ўзанинг ўсиши, ривожлиниши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг технолигик кўрсаткичларига таъсири аниқланди [14].

Масалан, Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади: Токзорларда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган лойиҳалар учун; маҳаллий шароитда "in-vitro" усулида етиштирилган ҳар бир дона хўраки, кишмишбоп ток кўчати ва пайвандтагли ток кўчати учун 5 минг сўм миқдорида; хўраки ва кишмишбоп ток кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида бир дона шпалерга 15 (ўн беш) минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда; майиз қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг 20 фоизи, лекин 300 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Илмий ишланмаларни амалиётга жорий этишни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади [15].

Мисол талқинида давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида 2020 йилни ўзида қўшимча 133 минг гектар майдонда сувни

тежайдиган технологиялар жорий этилиб ва пахта хом-ашёси этиштирувчиларининг томчилатиб суғоришни жорий этиш учун кўзда тутилган 98,9 миллиард сўм миқдордаги маблағлари ўзлаштирилди. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган пахта ва ғалла имтиёзли кредитлари ҳисобидан 250 миллиард сўм тўлаб берилди.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизми ва уни амалга ошириш ҳар қандай ташкилотнинг асосий мақсади фойда олиш бўлса самарали бўлади.

Иқтисодий ислохотларни янги босқичи талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларнинг рағбатлантириш механизмини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Профессор Ў.П.Умурзаков таъкидлаганидек, “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларини жорий этишни рағбатлантириш механизмини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳосилдорлиги даражасини яхшилаш лозим” [16].

Сувни тежайдиган технологиялар технологик жараён сифатида талқин этилади, уни амалга ошириш барча турдаги ресурсларнинг энг кам харажатларига ва маҳсулот сифати даражасига, ишлаб чиқариш цикли давомида меҳнат унумдорлигига мувофиқ амалга оширилади, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнига энг кам таъсир кўрсатадиган технологик жараёнлар тўплами сифатида қаралади.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтиш керакки, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизми етарлича жорий этилган бўлиб, бу иқтисодий ўсиш суръатларига бевосита самарали таъсир кўрсатади. Республикада қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ходимларнинг фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган доимий рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириши зарур.

Мамлакатимизда аграр иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этишни рағбатлантирадиган қуйидаги рағбатлантириш механизмларини жорий этиш таклиф этилади:

- сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни рағбатлантириш ва уларга рағбатлантирувчи нархлар ва имтиёزلарни қўллаш, шунингдек илмий муассасада мураккаб тадқиқотлар олиб борган ва натижаларга

эришган илмий ходимлар фаолиятини рағбатлантириш механизмини жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш натижасида рағбатлантириш механизмини шунингдек қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдан олинган даромадларига қўшимча қиймат солиғи бўйича нол фоизлик ставкасини қўллаш;

- қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан илмий-тадқиқот ва инновация фаолияти билан шуғулланувчи профессор ва илмий ходимларга давлат гранти шаклида тўланадиган рағбатлантириш суммаларини солиққа тортмаслик тартибини жорий этиш;

#### АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-144-сонли қарори. "Халқ сўзи", 2022 йил 2 март.
2. Цветков А. В. Стимулирование в управлении проектами. ООО "НИЦ" "АПОС-ТРОФ" Журнал. - Москва. 2001.-143 с.
3. Хужагелдиев Ч. П. Стимулирование по-вышения плодородия земли в Узбекистане с учетом мирового опыта / Ч. П. Хужагелдиев. - Текст: непосредственный // Актуальные вопросы экономических наук: материалы II Междунар. науч. конф. (г.Уфа, апрель 2013 г.). - Т.0. - Уфа: Лето, 2013. - С. 104-106. - URL: <https://moluch.ru/conf/econ/archive/76/3568/>
4. Фарманов Т. Х. Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш. "Аграр соҳани модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молия-кредит масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. - Тошкент. 2012. – Б. 57-58.
5. Мусина, Т.Р. К вопросу о проектировании механизма стимулирования труда персонала в организации. Т. Р. Мусина. -Текст: непосредственный. Журнал. Молодой ученый. - Москва. 2016. - № 12 (116). - С. 1372-1375.
6. Шмидт Ю.Д., Купера А.В. Стимулирование труда профессорско-преподавательского и учебно-вспомогательного персонала вуза. Журнал "Университетское управление: практика и анализ". - Москва. 2006. - № 6. - 18 с.

7. Muxammedov M.M., Isxakova S.A. Ilmiy soha xodimlari mehnati natijalarini rag'batlantirish tizimini takomillashtirish. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. - Toshkent. 2021. № 6. – B. 89-101.
8. To'xtaeva X.F., Tashkilotda xodimlarni rag'batlantirish va motivasiyalash jihatlari. Jurnal. "Yangi O'zbekiston: barqaror rivojlanishning ijtimoiy-falsafiy, iqtisodiy-siyosiy va huquqiy masalalari". - Toshkent. ISSN 2181-1784. SJIF 2022: Volume 2. Special Issue 23. – Pp. 1053-1061.  
<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-1053-1061>
9. Яшалова. Н.Н. Стимулирование применения природоохранных и ресурсосберегающих технологий промышленными предприятиями. Экономика природо-пользования. Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. - Москва. 2011. № 3. – С. 111-118.
10. Вострикова С.М. Современные методы стимулирования предприятия внедрения экологически чистых технологий производства. Московский авиационный институт (Национальный исследовательский университет) «МАИ». Журнал. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – Москва. ISSN: 2073-0071. 2015. №12-6. – С. 50-53.
11. Ахмедов А.К. Сув тежаш технологиялари. Журнал. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. - Toshkent. 2015. №8. 37 б.
12. Аманов А.М. Стимулирование фермер-ских хозяйств посредством налогов. Журнал: Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – Toshkent. 2015. № 4-1. - С. 159-162.
13. Самоукина Н. В. Стимулирование персонала как проблема. Журнал. Управление Персоналом, - Москва. 2004. № 7. – 12 с.
14. Хамидов М.Х. Суванов Б.У. Ғўзани суғо-ришда томчилатиб суғориш технология-сини қўллаш. "Irrigatsiya va Melioratsiya" Журнали. - Toshkent, 2018. – №4 (14). – Б. 9-13.
15. Бабаджанов А.М. Аграр соҳада илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш ва молиялаштириш. “Молия ва Банк иши электрон илмий журнали”. -Toshkent: V- сон. 2019. -Б.-3-10.
16. Умурзаков Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. Iqtisod-Moliya. Журнали. - Toshkent, 2008. - I-жилд. – 608 б.